
Тарихий ғалабага Фурқатлик спортчилар муносиб ҳисса қўшдилар

Қозон шаҳрида 11-13 ноябр кунлари 15 дан ортиқ давлатнинг 400 га яқин спортчилари иштирокида бўлиб ўтган 17-31 ёшлар ўртасидаги Қўл жанги бўйича Осиё чемпионати ўз якунига етди. Спортчилар “Дуэл”, “Ўз-ўзини ҳимоя қилиш” ва “Ўз-ўзини ҳимоя қилиш 1+1” йўналишлари бўйича Осиё чемпиони унвони учун кураш олиб боришди. Умумжамоа сифатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси спортчи ёшлари мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, Осиё чемпиони сифатида тарихга муҳрланишди. Эътиборлиси, ушбу нуфузли чемпионатда туманимиз Қўл жанги усталари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, давлатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Гулжаҳон Нурматова ??? олтин медал, Обланазарова Сарвинозхон???бронза медал соҳибаси бўлиб, Ватанимиз байроғини юксакларга кўтарди. Фурқат тумани ҳокимлиги ушбу спортчиларни эришган муваффақиятлари билан самимий қутлаб, кейинги мусобақаларда ҳам совриндорлар қаторида бўлишларини тилаб қолади.

2022-11-15 09:05:02